20. **Рузи ҲИКМАТУЛЛАЕВ** («Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси бошқаруви раиси) — «Энг иқтидорли уйинчи учун» (Ўзтелевизиокомпания)



### МЕҲМОНЛАР ЭЪТИРОФИ

**Александр МЕТРЕВЕЛИ,** теннис буйича Ўзбекистон терма жамоасининг маслаҳатчи-тренири:

Бундай мусобақалар қанчалки кўп ўтказилса, улар мамлакат теннисининг ривожланишига шунча кўп хизмат қилади. Бугунги шоу-турнирдан кўриниб турибдики, ўзбекистонликларнинг ушбу спорт турига иштиёқи баланд.

Умуман, Ўзбекистон тенниси жуда тез қад ростлапти. Бундай олға силжишни мен яқинда Фарғона ва Андижонда якунланган профессионаллар уртасидаги челленжер турнирларида ҳам кўрдим.

Биз, яъни умрини теннисга бахшида этган кишилар Марказий Осиёда Европа билан бас бойлашиб, янги теннис мамлакатига юзага чиқайтганидан гоё хурсандми.



**Сассон КАКШУРИ,** швейцариялик ишбилармон:

— Европа мамлакатларидаги каби Ўзбекистонда ҳам давлат раҳбарлари уртасида теннис турнири юзага келганидан гоё хурсандман. Томошабинлар оиласи билан келганларини, турли ёшли кишиларни, айниқса, болаларни кўрдимки, албатта, бу турнир уларда теннисга нисбатан меҳр уйғотади ва бунинг аҳамияти беқиёс бўлади. Албатта маҳоратга бирданига эришиб бўлмайди. Ўйлайманки, навбатдаги турнирлар янада шиддатли ва чиройли ўтади.

Турнир давомида қатнашчилар тенниснинг нималигини янада тирақроқ англашди ва бу жойларда теда ўз аксини топади.

Умуман, Ўзбекистон теннис тараққиётининг турғи йулидан борапти ва келажакда мамлакатинида спортнинг ушбу тури тагинда гуллаб-йшнашига шубҳа йўқ.

«БУНАҚАСИ ХАЛИ БЎЛМАГАН»

Мавлон РАҲМОНОВ, Бухоро вилояти ҳоқими:



— Гапнинг сирасини айтганда, «Хавас» теннис турнири мамлакатимиз тарихида ўзига хос унутилмас воқеадир. Бунақаси хали бўлмаган. Вазирлар, ҳокимлар голиблик учун энг шимариб курашдилар. Zero, спортда маҳорат, тажриба асқотади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Уч кун давом этган мусобақалар кимнинг нимага қодирлигини намойиш этди.

— Мавлон Раҳимович, финал учрашувига чиқа олмаганингиздан ўқинмайсизми?

— Йўқ. Турнир беллашуварларида ютқан кишининг ўзи бўлмади. Шахсан мен шундай деб ҳисоблайман. Сабаби, мусобақалар гоёт кўтаринкилик, галабага ишонч руҳида ўтди. Ўзимга келса, биринчи учрашувда Нукус шаҳар ҳоқими Аматов билан ўйнаб, уни 2:0 га ютган эдим. Кейин саломатлигим туфайли дўхтирлар учрашуларда қатнашимга руҳсат беришмади. Шундай бўлса-да, ўзимни гоёт яхши ҳис этмакдман. Турнир қатнашчиларининг ҳаммаси ҳам шундай деб ўйласа керак. Уларнинг кунюноқ, шодон чеҳраларига бир назар ташлана! Спорт баҳона, ўзимизнинг ички имкониятларимизни яна бир бор синовдан ўтказдик. Халқимиз учун ҳам, биз раҳбарлар учун ҳам шундай мусобақалар сув билан ҳаводек зарур. «Хавас» теннис турнири республикамизда спортнинг бу тури оммавийлашиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

— Мана, турнир низоёсига этди. Ундан олган тасвурларингиз қандай?

— Бекиё! Буни бир сўз билан ифода қиламан. Келажакимиз эгалари бўлган ёшларни жисмонан чиниктириш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини оширишда «Хавас» турнири муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

— Спортнинг ушбу тури янада ривожлантириш учун Бухорода имкониятлар етарли бўлса керак?



— Албатта. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Чунки, Бухоро шаҳрида йирик ва замонавий теннис мажмуи барпо этилмоқда. У республикамизда мустақиллиги кунигача фойдаланишга топширилди. Спорт мактабида 40 нафар йигитлар, «Феруза» клубида эса 20 нафар бухоролик қизлар теннис сирларини ўрганишмоқда. Яқин келажакда улардан етук, маҳоратли спортчилар етишиб чиқишига шубҳа йўқ. Биз туман марказларида ҳам теннис кортларини очишни кўзда тутаямиз. Хуллас, ҳақиқий беллашулар энди бошлади. Zero, теннис спортнинг шундай турики, у билан 50-60 ёшда ҳам бемалол шуғулланиш мумкин. Бу эса халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий ҳордиқ чикаришини таъминлаш учун катта имкониятлар очади.

«ХАВАС» АСЛО ЁДЛАРДАН ЎЧМАС



Турнир мухлислар кўз ўнгиде мухрланиб қолгучи лаҳзаларга бой бўлди.

А. Рискйев (ЎЗА), А. Мамадаминов, С. Михайлов тасвирлари.



«ҚЎЛИМГА БЕИХТИЁР РАКЕТКА ОЛДИМ»

Бургутали РАПИҒАЛИЕВ, Наманган вилояти ҳоқими:



— Мана шу муҳташам «Юнусобод» теннис стадионининг очилиш маросимида кўпчилик қатори мен ҳам иштирок этган эдим. Шундан бери турли мусобақалар баҳона бу ерга тез-тез ташриф буюриш биз, раҳбарлар учун ҳам одат тарзига айланиб бормоқда. Мана бугун ҳам «Хавас» теннис турнири мухлиси сифатида мириқиб томоша қилаяман. Бир сўз билан айтганда, «Юнусобод» ўйингоҳи республикамиз буйича тенниснинг ривожланиш дебечаси бўлди, дейиш мумкин.

Уни тараққий эттиришга бизнинг вилоятимизда ҳам катта эътибор берилаяпти. Ўйлайманки, бу нарса ёшларимизни тарбиялаш, уларнинг саломатликларини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир. Мен ўзбек ўғлонлари орасидан ҳам Пит Сампрас, Михаэл Штих, Андре Агасси сингари машҳур теннисчилар етишиб чиқадиган кунлар яқин, деб умид қиламан. Чунки бизда бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратилапти.

Вилоятимизда умумий қиймати уч миллион сўмлик, 3 минг томошабинга мўлжалланган ётти-қички мавсумларга мўлжалланган теннис мажмуини қуриб, ишга туширдик. У ердаги саккизта майдон барча аҳоли учун доимо очиқ. Шу йилнинг 2-11 июль кунлари Наманганда дунё миқёсида теннис буйича ёшлар ўйинлари ўтказилиб, унда элликлан зиёда давлатлар вакиллари иштирок этишлари мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, вилоятимизда спортни ривожлантириш буйича кўплаб ишлар қилишни режалаштирганмиз. Асосий мақсадимиз — спортнинг барча турларини халқ ўртасида оммавийлаштиришдир.

Ушбу турнирда вилоятимиз буйича уч киши иштирок этишди. Гарчи улар финал ўйинларига чиқишолмаган бўлсаларда, лекин барибир биз кутгандек яхши ўйнашди. Албатта, уларнинг бу борадаги тажрибалари ҳали етарли эмас. Бироқ кейинги турнирларда биз ўз вакиллари-миздан янада кўпроқ муваффақиятлар кутамиз.

Шахсан ўзим, гарчи вазним оғирроқ бўлса-да, спортнинг енгил атлетика турлари, хуусан, гимнастика билан шуғулланаман. Чунки, спорт-соғлиқ тарови, деб бежиз айтишмаган. Теннисга муносабатим ҳам олий даражада, деб айта оламан. Уни, айниқса, сўнгги пайтларда жуда севиб қолдим. Ҳозир ҳам томошабин сифатида ўйинларни қузатиб ўтирибману, файратим жўшиб, беихтиёр қўлимга ракетка олиб, майдонга тушим қеляпти. Яхши ният-ярим давлат, дейдилар. Қолаверса, турнирнинг номи ҳам «Хавас» деб аталади. Унинг янаги аънанавий ўйинларида ўзим ҳам спорт формасида кортта чиқишни ҳавас қилиб турибман.

Шахсан ўзим, гарчи вазним оғирроқ бўлса-да, спортнинг енгил атлетика турлари, хуусан, гимнастика билан шуғулланаман. Чунки, спорт-соғлиқ тарови, деб бежиз айтишмаган. Теннисга муносабатим ҳам олий даражада, деб айта оламан. Уни, айниқса, сўнгги пайтларда жуда севиб қолдим. Ҳозир ҳам томошабин сифатида ўйинларни қузатиб ўтирибману, файратим жўшиб, беихтиёр қўлимга ракетка олиб, майдонга тушим қеляпти. Яхши ният-ярим давлат, дейдилар. Қолаверса, турнирнинг номи ҳам «Хавас» деб аталади. Унинг янаги аънанавий ўйинларида ўзим ҳам спорт формасида кортта чиқишни ҳавас қилиб турибман.

«ОМАДИМ ЧОПДИ, ШЕКИЛЛИ...»

Рустам ШОАБДУРАҲМОНОВ, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари:

— Мамлакатимизда илк бор ўтказилган бундай нуфузли теннис турнирида иккинчи ўринни эгалашнинг ўзи мени беиҳтиёр қувонтирди. Буни омадим чопганидан деб биламан. Ахир, финал ўйинларида иштирок этган Равшан Файзуллаев, Мираброр Усмонов, Рустам Иноятлов ва Шавкат Каримов ҳам қайсибир жиҳатлари билан маълум бир устуниликка эга эдилар-да. Финал баҳсида ўрнимда улардан бирортасини кўрганамда ҳам сира ажабланмаган бўлардим. Балки шу ўринда менинг уларга нисбатан ёш эканлигим қўл келгандир.

«ТЕННИС БИЛАН ШУҒУЛЛАНА БОШЛАГАЧ, ЧЕКИШНИ БУТУНЛАЙ ТАШЛАДИМ»

Комил ҚОБИЛОВ, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари:

— Ҳозиргина мен республика Теннис федерацияси раиси Шавкат Каримов билан кортда мусобақалашдим. Тўғри, бу учрашувда ютқаниб қўйдим. Лекин шахсан ўзим ўйинимдан қониқиб ҳис қилдим. Чунки ярим финалда саккиз киши ўзаро куч синашган бўлса, шулар орасида вилоятлардан келган иштирокчилардан фақатгина мен бор эдим. Қолган етти кишининг ҳаммалари пойтахтимиздаги идоралар вакиллари эди. Қолаверса, мана шундай турнирнинг ташкилотчиларидан бири билан мусобақалашиб ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Теннис билан шуғуллана бошлаганимга энди йигирма кунча бўлди. Аммо бундан кейин доимий равишда ўйнаб туришни одат қиламан. Насиб этса, янаги мусобақа зўр тайёргарлик кўришга ҳаракат қиламан. Умид—яхши нарса. Балки ўшанда голиб ҳам бўларман... Тўғриси айтсам, теннисни жуда севиб, қолдим. У билан шуғуллана бошлагач, ҳатто чекишни буткул ташлаб юбордим — бир ҳафтадан бери умуман сигаретни оғзимга олганим йўқ.



Вилоятимизда ҳам спортнинг ушбу соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Мисол учун, Жиззах шаҳрида янги теннис корти қурилиши давом этапти. У яқин вақтларда ишга туширилади. Бундан ташқари, ҳар бир туман марказлари ва мактабларда ҳам ана шундай спорт иншоотлари бунёд этишни режалаштирганмиз. Теннис фақатгина спорт эмас, балки санъатнинг ҳам бир тури саналади. У билан ошно бўлган киши ҳар томонлама баркамол бўлади, деб ўйлайман. Шу маънода, «Хавас» теннис турнирининг аҳамияти жуда катта.

«БОКСЧИЛИГИМ ТЕННИСДА ПАНА БЕРДИ»

Баҳодир ИМРЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазир:

— Баҳодир Ҳамидович, ушбу турнир халқимиз ҳаёти ва тақдирини қандай из қолдиради, деб ўйлайсиз? — Бунинг аҳамиятини бир оғиз сўз билан ифода қиламан. «Хавас» турнири том маънода умумхалқ байрамига айланди. Десам хато қилмайман. Гап шундаки, унда профессионал спортчилар эмас, балки турли бунёддаги раҳбарлар, вазирлар, вилоят ва туман ҳокимлари ўзаро куч синашдилар. Уларнинг ўзлари ҳам бундан хурсанд. Чунки тоза ва очик ҳавода янраб, маданий ҳордиқ чикаришди, халқ билан ҳамнафас бўлишди. Шу маънода «Хавас» турнири мамлакатимизда спортни ривожлантиришда бекиё аҳамиятга эгадир.

— Сиз учун қайси бири муҳимроқ — ишми, спортми? — Иккаласи ҳам. Бундай даражанинг сабаби бор. Ёшлигимда бокс билан шуғулланганман. Шахматдан ривожим бор. Мақсадимни деб ўйлайман. 1969-70 йилларда бокс бўйича Тошкент шаҳрининг уч карра чемпиони бўлганман. Ҳозир ҳам спортдан узилиб қолганим йўқ. Бир йилдан бери теннис билан шуғулланаман. Финалда чиқолганимга келса, бу шунчаки тасодуф эмас, балки кураш қонуниятидир. Чунки барча сўзга бўлгандек, спортда ҳам тажриба ва маҳорат ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Начора, рақибларим мендан тажрибалироқ экан. Кучли рақибга эса тан бериш керак. Турнирдан чиқарган яна бир хулосам шунки, ҳар бир қатнашчи аввало ўз жамоасининг обрўси ва шарафини ўйлаб ҳаракат қилди. Бу эса унинг жамоасига гоёт катта масъулият юклатиш шубҳасиз. Мустақил республикамизда теннисни ривожлантиришдан тўла манфаатдор. Спортнинг бу тури буйича халқаро мусобақалар тез-тез ўтказилганлиги ҳам табиий. Чунки спорт, биринчидан, Ўзбекистоннинг дунёвий маданияти мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчидан, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга муҳим омили баҳис этади. Бу — биз учун айни мудоао.

«ШАРТ-ШАРОИТ ЯХШИ БЎЛСА...»

Ҳаёт ҒАФФОРОВ, Наманган вилояти ҳоқими:



— Турнир қатнашчиларининг тайёргарлиги пухта бўлганлиги кўриниб турибди. Қаерда спорт билан шуғуллангани шарт-шароит яхши бўлса, ўша худуддан спорт юлдузлари етишиб чиқиши муқаррар. Буни биз ўз тажрибамизда ҳам кўрдик. Жумладан, бизда сузиш спортини учун кенг имкониятлар яратилган ва бу катта самара берапти. Теннис борасида ҳам биз ишга аввало унга қўлай имкониятлар яратишдан бошламоқчимиз.

«КУЧИМИЗГА КУЧ ҚЎШДИ»

Мирзажон ИСЛОМОВ, Фаргона вилояти ҳоқими:

— Уч кун давомида мусобақа жараёнини қузатиб, бир нарсасга амин бўлдим: халқимизнинг руҳини кўтаришда спортнинг аҳамияти бекиёс экан. Қаранг, бу ерда раҳбар ҳам, ҳодим ҳам йўқ — ҳамма бир. Чеҳраларда байрамона кўтаринкилик ҳукмрон. Биз учун шундай имкониятни яратиб, мусобақаларда эркин ва холисона қатнашимизни таъминлаган Президентимизга ҳар қанча раҳмат айтасан арзийди. Тўғри ҳам шу-да. Илгари масъулиятли лавозимда ишлайдиган раҳбарнинг майдонга тушиб, голиблик учун яккама-якка курашганини ким кўрган? Бу ҳам аввало мустақиллик, қолаверса мамлакатимизда олиб борилаётган доно ички сиёсат самарасидир.

Ростики айтсам, «Хавас» турнирига ҳавас билан келгандим. Тажрибам камлигимни ёши билан ўтиб қолганини тасвир қилдимни, финалда чиқиш насиб этмади. Гап бу ерда ютиш-ютқанишда эмас, балки масалага янги аҳамият берилди. Бир ҳисобда спорт одамни ёшарттиради. Наманган вилояти ҳоқими Б. Рапиғалиев билан азалдан қадрдан дўстмиз. У билан яккама-якка беллашганимизнинг бор эди. Начора, фаришталар омин демаган экан-да... Лекин икковимиз ҳам ўқинганимиз йўқ. Аксинча, ўз юртимизга бир олам озу ва режалар билан қайтаямиз.

Фаргона футболнинг шухратини республикамизда спорт мухлислари яхши билишди. «Нефтичи» жамоаси олий лига командалари ўртасида кўп йиллардан бери пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти. Биз теннисни ҳам ана шундай даражада оммавийлаштиришни режалаштиряпмиз. Бу борадаги саз-ҳаракатлар бошланди. Ишончим комилки, яқин келажакда энг яхши теннисчилар Фаргона воқеасидан етишиб чиқди. Чунки воқеда спортнинг бу турига қизиқиш жуда катта. Вилоят ҳоқимлиги истеълоли спортчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. «Хавас» турнирига қўйилган ишларга тўхталганда бўлсам, теннис мактабига иккига енгил машина ажратилди, Фаргона университетда теннис кафедраси ташкил этилди. Ҳозирги кунда 300 нафардан зиёд ёшлар спортнинг бу тури билан мунтазам шуғулланишмоқда. Уларга 250 комплект махсус анжомлар совға қилинди.

Август ойида вилоят миқёсида «Хавас»га ўхшаш турнир ўтказишни мўлжаллапмиз. Чунки узоқни қўлаб қилинган бу ички кўчимизга куч, гайратимизга гайрат қўшди. Яхшидан шарофат, деб шуни айтишлар керак.

Бозорбой БОТИРОВ, ишчи:

«АВВАЛАРИ ГАЗЕТАДАН ЎҚИРДИК...»

«Хавас» ҳамма мухлислар каби мен учун ҳам янгиликлар. Авваллари Еврола мамлакатлари раҳбарларининг теннис ўйнашини газета ва журналларда ўқиб, бу каби турнир бизда ҳам ташкил этилса, деб ҳавас қилардик. Шу маънода маъзур турнирнинг ўтказилиши айни мудоао бўлди. Мен ушбу мусобақа аънанавий бўлиб қолишини жуда-жуда истайман.

«Хавас» ҳамма мухлислар каби мен учун ҳам янгиликлар. Авваллари Еврола мамлакатлари раҳбарларининг теннис ўйнашини газета ва журналларда ўқиб, бу каби турнир бизда ҳам ташкил этилса, деб ҳавас қилардик. Шу маънода маъзур турнирнинг ўтказилиши айни мудоао бўлди. Мен ушбу мусобақа аънанавий бўлиб қолишини жуда-жуда истайман.

«ДАСТАБ ТУРНИР ҚАТНАШЧИСИ ЭДИМ, ЭНДИ ТОМОШАБИМАН. НАЧОРА...»

Тўлқин ЖАББОРОВ, «Ўқиниш-қўлиқ таъминот узатиш» давлат қўмитаси раиси:

— Мен ҳам ушбу турнирнинг саралаш босқичида иштирок этган эдим. Бироқ начора, дастлабки ўйинлардаёқ омадим чопмади. Бу борада ҳам тажрибам етишмаслиги боис рақибларимнинг қўли устун келди. Ҳозир эса оддий бир мухлиси сифатида турнир иштирокчиларининг ўйинларини қузатиб, завқланиб ўтирибман.

Ҳа, теннис — жуда нафис спорт ўйини, у кишидан улкан маҳорат талаб этади, бундан олдингина хатога ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Маълумиб алами кишига қандайдир оғир таъсир кўрсатар экан. Шахсан менга, айниқса, Мираброр Усмоновнинг кордтаги ҳаракатлари жуда ёқди. Бу одам майдонда ўзини жуда эркин тутиб, чиройли ўйин намойиш этди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтларда Президентимиз томонидан спортга алоҳида аҳамият берилаяпти. Натияжада бизда наинки профессионал спорт турлари ривожланипти, балки улар кенг оммалашиб борапти. Ушбу теннис турнирини ҳам ана шундай эътиборли талбирлар сирасига киритиш мумкин.

«САВОБ ИШ...»

Хусайн ХЎЖАНИЁЗОВ, Хоразм вилояти, Хазорасп туманидаги «Дўстлик» жамоа ҳўжалигида яшовчи уруш ва меҳнат фаҳрийси:



— Ешим 74да. Нафақада бўлсам-да, ижтимоий ҳаётдан узилиб қолганим йўқ. Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар, катта ўзгаришлар барча қатори мени ҳам беҳад қувонтиради. Яқинда «Халқ сўзи» газетасида «Хавас» турнири ҳақида ўқиб қолдим. Қузатишимча, бизда ҳали бунақангига ўзига хос мусобақа ўтказилмаган эди. Унда асосан масъулиятли лавозимдаги ёшлар қатнашди. Тошкентта — ўғлимнинг келди, шу томошаиб кўришга аҳд қилдим. Мана, эрталабдан бери завқланиб ўтирибман... Бир кўлгим оғирроқ — кўп гапни эшитолмадим. Ҳикматуллаев, Усмонов, Каримов деган ёшлар жон кўйдириб ўйнашди. Уларни ёнимдагилардан сўраб билдим. Бундай савоб ишни ташкил этганларга минг раҳмат.

Умрим давомида колхозда механизаторлик қилдим. 9 фарзандим, 75 дан зиёд эвара-чеварам бор. Эртаю кеч уларнинг бахтини, камолтини ўйлайман. Чунки келажак ёшлар қўлидадир. Шундай экан, қишлоқ жойларда ҳам спортни ривожлантириш ҳақида жиддийроқ қайғуриш лозим. Zero, теннис баҳона бу борадаги ишларимиз ҳам ўнгиланиб кетса, нур устига яна нур бўларди. Чунки спорт аввало саломатлик таровидир.

«ХАВАС» ТУРНИРИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧ ҲЎЙИНЛАРИ «ОЙНА»СИ

Ш. Каримов	Ш. Каримов	Р. Ҳикматуллаев
К. Қобилов	6/0	
Р. Ҳикматуллаев		6/0
Р. Иноятлов	Р. Ҳикматуллаев	
	6/4	
Ш. Мирзиёев		Р. Ҳикматуллаев
Р. Шоабдураҳмонов	Р. Шоабдураҳмонов	6/0 6/1
Р. Файзуллаев	6/2	
М. Усмонов	М. Усмонов	Р. Шоабдураҳмонов
	6/0	6/0

Кўш саҳифа материалларини «Халқ сўзи» мухбирлари Р. Эрмуҳаммад, Н. Тосев, Ф. Саноев, Ф. Эшмуродов тайёрладилар.

Ғалабанинг 51 йиллигига

БОБОЛАР ЖАСОРАТИ ҲАММИША ЎРНАК!

Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос шукри бўлади. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 51 йиллиги байрами ер юзидаси бошқа кўнлаб халқлар қаторида ўзбекистонликлар ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу байрам халқимизга катта қувонч ва мамнуният бахш этиш билан бирга, қалбларимизни изтиробга солади.

- 1941-1945 йилларда Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг киши фронтга кетди. 400 минг киши фронтдан қайтмади.
• Уруш йилларида Ўзбекистонда жуда оғир шартларда 280 та сановат корхонаси ишга туширилди.
• 1945 йили республикамизда 268 та болалар уйи борлиги ва уларда 31320 нафар бола тарбияланганлиги қайд этилди.
• 1941 йил бошида Тошкент шаҳри 200 мингдан ортиқ аҳоли яшаётганлиги қайд этилган. Уруш бўлаётган ўлкалардан болалар ва қаришлар ҳамда фронтдорда хизмат қиладиган келтирилиши натижасида у қисқа даврда қариб бир миллионга ўсиб етди.


- Эркалар урушга кетди. Оғир машиналарни бошқариш, дастоҳларни юрғизиш кесаклар, аёллар ва болалар ўз зиммасига олди. Сановатчиларимиз «Бажаришдан ҳар бир мажбурият фронт учун зарбадор», деҳқонларимиз «Ҳалқимизга фронт учун ширани остида оғир шартларда меҳнат қилиш, фронтга жуда кўнлаб самолёт, авиамотор, танк, пахта, галла ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб беришди.
• Ўзбекистон меҳнаткашлари фронтга озиқ-овқат маҳсулотлари юборишни кўпайтириш мақсадида бир қанча сув гишоқларини қуриб ишга туширишди. Жумладан, Фарҳод ГЭСида асосий ишар қўл кучи билан бажарилиди.

ФРОНТ ФРОНТОРТИ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН ЭДИ

Гарчи уруш олови Ўзбекистон тупроғини куйдириб ўтмаган бўлса-да, Ер юзини фашизм балосидан озод қилишда қатнашган ватанимизнинг тўрт юз минг сара фарзанди жангдорларда қолиб кетди. Уруш даҳшатлари, унинг изтироблари ҳар бир ўзбек хонадонига кириб келди. Ғалабанинг 51 йиллиги нишонланаётган бутунги саodatли кунларда ўзларнинг фидойилиги билан беғубор осмонимизни сақлаган ота-боболаримизни, фронт ортида кечани-кеча, кундузни-кундуз демая бағрида «қора хат» доғи ила мардон меҳнат қилган юртдошларимизни, ота меҳрига тўймаган етимлару умри хаэон бўлган келинчаларни, албатта, чухур қайғу ҳамда меҳр билан эслаймиз ва улар кўрсатган жасоратдан қалбимизда фахр ҳиссини туямиз.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа давлат архивида сақланаётган «1945 йил февраль ойида ўтказилган пахтакорларнинг қурултоғида республика Халқ Комиссарлари Кенгаши Раисининг маърузаси»га кўз югуртирадиган бўлсак, ота-боболаримизнинг оғир шартларда амалга оширган катта меҳнат маҳсули натижаларига дуч келамиз. Жумладан, маърузада қуйидаги сатрлар мавжудки, у ҳар бир ўзбекистонлик эътиборидан четда қолмайди.

«... Ўзбек халқи фронт ортидаги ўзининг ҳалол меҳнати билан немис-фашист гасандаларини тор-мор этишда қатнашганидан гурурланади. Шунга айтиш етарлики, уруш йилларида республика корхоналари фронтга 2090 самолёт, 17342 авиация бомбалари, 1.083 минг кўл гранаталари, шунингдек, бошқа қурул-аслаҳаларни етказиб берди. Фронтга юборилган қурулдорнинг умумий ваэни 218 минг тоннага ташкил этди. Шуларнинг барчасини фронтга етказиш учун 12 минг темир йўл вагон-лари керак бўлди.



Жангчи хотиралари

АВЛОДЛАР ЁДИДАН ЎЧМАЙДИ

Халқимиз бошига мислсиз азоб-ўқубатлар солган иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 50 йилдан ошди. 51 йилки, халқимиз уруш офатларидан ҳоли, яратувчилик ишлари билан машғул, авлодлар тарбияси билан банд.

Урушда шайхид кетганлар ичида юртимизнинг минглаб аёл ўғлонлари ҳам борки, уларнинг номи асрлар оша хотирамизда қолаверди. Душманга қарши беомон қурашларга қўлига қурул олмиб жанг қилган Р. Муҳамедов, Т. Ҳошимқудамов, Ф. Рамазонов, В. Карташов, А. Крассиков ва бошқа ҳамкасбларимиз фашизмга қарши курашнинг энг фалокатли жараҳатларини айлантиришди. Урушдан сўнг уларга она Ватанга қайтиш насиб этди ва ҳоэирда қонун ҳимоячилари сифатида юртимиз тинчлиги учун меҳнат қилмоқдалар.

мат кўрсатган юрист» унвони берилган. У Мамаляковнинг Президентнинг «Фарий ёрлиги» билан тақдирланган. «Жасорат» медали соҳиб.

Ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қай даражада ҳисса қўшганлиги жангчилар қони ва жони эвазига келган мукофотлар саломига ҳам қўринади. Архив материалларининг шохлиқ беришича, Ўзбекистоннинг 170 мингдан ортиқ вақили орден ва медаллар билан мукофотланган. Шулардан 338 кишига қаҳрамон унвони берилган, 53 киши эса «Шуҳрат» орденининг тўла соҳиб бўлган.

Республика корхоналари томонидан фронтга 8731 та радиолампалар ва бошқа кўп асоблар жўнатилди. Уруш пайтида Ўзбекистон колхозлари Қизил Армияни ва аҳолини озиқ-овқат, хомашё билан таъминлаб турди.

Албатта, кичик мақолада халқимиз кўрсатган жасоратни муҳассаэ этиш қийин. Биз ота-боболаримизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган мардлиги, фронтдортидаги меҳнати, дамоийиэ этган жасоратлари беқўёёлигини фахр билан ёдга оламиз ва улар қолдида бошга эгаэим.

ТАҚДИРНИНГ АЁВСИЗ ҲУКМИ

ёки икки фарзандидан жудо бўлган ота-она ҳақида
лар ила шундай пурмаюмо ва чиройли исмларни танлаб қўйган эдилар...

кузатиб қўйгандан кейин Саиджон эшоннинг тўйга аталган қўлларни боқишга ҳам мадори етмай, бутунлай қўқиб қолибди. «Садақа — радди бало», деб чолу кампирлар боқиб юрганлари — йигирмата қўйнинг барини бирин-кетин сўйиб, худойи қилишди...

МЕҲНАТДА КЕЧГАН УМР



Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Хайдар Юсупов давлат хавфсизлик органининг Москвадаги махсус институтини тамомлаган эди. Шаҳар кўчаларида басқинчилар, жиноятчилар аэжэга чиққан. Шу муносабат билан институтини битирсан ёшлар «тозалаш» ишига тортидилар.

Орадан кўп ўтмай Хайдар ака форс тили ва араб алифбосини яхши билганлиги учун давлат хавфсизлик бошқармасининг Сурхондарё вилояти бошқармасига ишга ўтказилди. Афғонистонда немис разведкасининг жуда мохир шарҳунос мутахассислари фаолият кўрсатишарди. Уларнинг иш режаларини билиш, кўпсурувчилик харакатларининг олдини олиш учун Афғонистонда сиёсийдан кинизмат қиладиган фидойи кишиларнинг топши, уларни қўпсурувчилик гуруҳларида киритиб қўйиш улар бошчилигидаги разведка бўлимига топширилган эди. Бўлимда у билан бирга Турғун Ашуралиев, Раҳим Махмудов каби ишчан зобитлар хизмат қиларди. Оқибатда чегара шартларида жойлашган афғон шарҳуносларида ташкил этилди.

оролларнинг бирини яшириниб ётишга тўри келарди. Баъзида бир неча кўнлаб қолиб кетиларди. Хайдар ака муҳим уруш жаёғоҳларидан эсон-эсон қайтиб келди. Тошкентда давлат хавфсизлиги бошқармасида разведка бўлими бошлиғи, Наманганда вилоят бошқармаси бошлиғининг муовини бўлиб ишларди. Истефогоа чиққач собиқ Бутуниттифок узуумчилик ва виночилик институтининг Урта-Осиё бўлими директори бўлди. Унинг иштирокида чикаридан янги нави винолар жаҳон кўрғазма-ларида қўнлаб олтин ва кумуш совринлар олди.

Сайдон эшон бобо ва Муллабидин Термизидан унчалик узок бўлмаган Султони Саодат мақбараси яқинидаги Мозор қишлоғида истиқомат қилмашарди. Махмур қишлоқдаги элликка ақли хонадон асли Шерободнинг Пошхурт қишлоғида бўлган. Уттинчи йиллардаги элликка «хайда-хайда», «кўчир-кўчирлар» оқибатида улар бу ерга келиб қолган.

МАРДИ МАЙДОН ҚАҲРАМОНЛАР

Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаёт-мамонт жангларда ўзбекистонлик аскарлар ҳам мардлик, жасурлик ва матонат намуналарини кўрсатишган. Шу бонс ҳам уларнинг кўчликлисига Қаҳрамон унвони берилган ва бошқа орден, медаллар билан мукофотланганлар.

рат ордени билан мукофотланди. Махмур АЛИЕВ — 1924 йилда туғилган, фронтга Тошкент шаҳридаги М. Горький кўчасидаги жўна-диги 18 августдаги буйруғига биноан 261-гвардия ўқи полкида миномёт взводнинг командири бўлган.

Т.ОРИПОВ, захирдаги генерал-майор.

Абдул НУРИДИНОВ — 1907 йилда туғилган. Ҳарбий хизматга

Мажид САМАДОВ, Уруш ва меҳнат фахрийси, ёзуви ва журналист.

ШУЖУҲ

Ўзбекистон халқи бу йил фашизмга қарши урушда қозонилган ғалабанинг 51 йиллигини алоҳида гурур билан шодиёна байрам қилади. Элик бир йилки, бу байрамни озгиқиб кутамиз ва ҳар йили янги хаяжон, янги аифтихор билан баҳодирлигимиздан мамнун ва иқболимиздан мағрур ҳолда бизни шу кунларга етказган тангирга шукроналар айтамыз.

Бу кунларга етолмаганлар кўп—улар дунёда олтимиз миллион одам! Бу озмуна эмас, бутун-бутун буюк мамлакатларнинг аҳолисига тенг. Ана шу катта йўқотишлар ҳисобига эришилган ғалабанинг 51 йиллиги. Гитлер фашизми бутун дунёга ҳокимлик қилиш учун Европада иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборди, 1941 йил 22 июнь субҳида чегарамизни бузиб, босибди кирди. Минг-минглаб самолётлар ширин уйқудати шаҳарларимизни бомбардимон қилиб, аҳолини қиргин-барот қилди. Бениҳоя катта куч, ниҳоятда кўп қурул-яроғ билан тўсатдан берилган зарбдан урушнинг дастлабки соатларидаёқ аэродромларимиз ёниб, ундаги самолётларимиз қўйиб, ўқ-дори омборларимиз портлатилиб, чегара яқинидаги уюшган ҳарбий қўчаларимиз қаршилиги синдирилган эди. Бундан мағрурланган Гитлер 7 ноябрда Москва Қизил майдонда Вермахт қўшинларининг парадини ўтказишни эълон қилди ва Қизил майдон минбарига парад қабул қилиш учун ўнга янги қўнлаб фюрер формаси тайёрлашга буюртма берди. Ҳа, у яқин тезлигидаги урушда тез кунда ғалаба қилишга ишонган эди. Унинг бу хомхейлири пучга чиқди! Урушнинг тақдирини ҳал қилишда рус, украин, белорус ва бошқа халқлар қатори ўзбек халқи вақиллари ҳам катта куч бўлди. Ўзбекистонда тузилган ўқи дивизия, бригада, алоҳида полклар, батальонлар Москва ҳимносини, Ленинград қамалида, Сталинград эпоепасида бениҳоя қаҳрамонлик кўрсатдилар. Чирчиқда тузилиб, қирқ биринчи йили уруш бошланганидаёқ фронтга борган 194-ўқи дивизия урушнинг энг қийин палласида Москва, Тула ҳимносини кўрсатган жангдор хизматлари учун гвардиячи дивизияга айлантирилди. Ўзбекистондан фронтга аскарлар, танкчи, тўпчи, отлик аскарлар қўшилмалари жангдор байроқларини банд қилдилар.

ТАРИХ ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Темур ҳақида гап кетганда, ҳоржонлик ўрта асрлар тарихи тадқиқотчилари унинг инқилобий тарқоқибига қўшган улкан ҳиссан...



Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ташвиқи

Темур асос солган салтанат инсоният тарихининг энг эътиборга лойиқ саҳифаларидан биридир. Уз-ўзидан Амир Темур бунга қандай қилиб эришди...

Ҳиндистонлик олими, Деҳли шаҳридаги «Жомнайн миллий исломи» ўқув-таълим маркази директори, доктор Саид Жамолиддин ўзининг шу йил Нью-Деҳлидаги «Хар-Ананд» нашриёти...

С. Жамолиддин маъзур китобида Темурнинг империя тузиш йўлидаги фаолиятини қаламга олар экан, Марказий Осиёда ўша пайтлар ўзаро урушлар оқибатида юз берган кичик хонликлар ва ялли бошбоқ...

ди, шунингдек, муаллифнинг буюқ саркарда таваллудининг 660 йиллигига аjoyиб тўхтаси ҳамдир.

«Темур давлати» китоби нафақат ўзбек, қозақларга, бугун Марказий Осиё халқлари ўртасидаги маданий алоқалар ривожига қўшилган муҳим ҳиссадир. Зеро, муаллиф таърихчиларнинг, бу алоқаларнинг уч ярим минг йилдан ошқан тарихи бор. Марказий Осиёда деғанда Ҳиндистон ярим ороли ҳам англашди.

Қуйда китобнинг Темур давлатининг маъмурий тузилмаси тўғрисидаги боби инглизчадан таржима қилиниб, газетхонларга ҳавола этилмоқда.

... Темур ҳақидаги ўз давлат тизимини такомиллаштириб боришни ўйлар, Чингиздан фарқи ўларок, бошқа ўлкаларни забт этганига эмас, аксинча, у ерларни идора қилиш тўғрисида ҳам қайғу-рар эди. Шунинг учун ҳам давлатини идора этишнинг бошқа ерларни босиб олиш истаги каби асосий мақсадларидан бири эди.

Марказий Осиёда давлатни идора этишнинг самарали механизми яратилган эди, лекин улар мўлжал ҳуморонлигининг сўнгги даврида мижозга юз тутди. Шу сабабдан Темур янги қону ва тартибни жорий этиш йўлида анча куч-ғайрат сарфлади.

Унинг энг буюқ хизматларидан бири алоқаларига мукамал бошқарув тизимига эга бўлган давлатни мерос қолдиргани бўлди. Бу унинг улкан яратувчилик қўбиллигига эга бўлганлигининг яна бир далилидир.

Сохибқироннинг давлатини идора этиш тизими ҳали-қана етарлича ўрганилмаган. Мансура Хайдар «Темурнинг давлатини идора этиш усуллари» китобида жаҳонқироннинг давлатини идора этиш усулларини баён қилади. Унда ҳуморонликнинг, ишга тайинлаш усули, салтанатнинг бир неча маъмурий бўлаклари бўлиниши ҳамда марказий ҳокимиятнинг уларни назорат этиши, оқибатда давлат бож қоралари тўғрисида маълумот ҳамда Темур ҳокимиятининг табиати баҳо берилади. То шу кунгача Темурнинг тақдирини таърихчи ва тарихшинос тортб келмагани беҳиз эмас. Яна бир тадқиқотчи Манс бошқарув идоралари шаклланишига қарама-қардан, Темур ҳокимияти пароканда ва заиф эди, деган бахсли фикрни ўртага ташлади. У Темурнинг бошқарув тизими тўғрисидаги маълумотлар таққиллиги ҳақида гапирар экан, темурлар тарихи ҳатто Темур ҳукуматининг фаолиятини тўғрисида ҳам мўайян тасавуру ҳоли қилишга имкон бермаслигини, аёнларнинг илтиёзи ва вазибаларига тегишли маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслигини қайд этади. Бугунги манабуларда эса Темурнинг давлатини идора этиш усуллари тўғрисида ниҳоятда кўп маълумот учрайди, бироқ уларнинг ҳар қайсиши ҳам ерда сочилиб ётди.

Маълумотларнинг барчаси учта асосий манба, яъни Шарофиддин Яздийнинг «Зафарнома», Клавихоннинг «Темур саройиди аъли» ва ибн Арабшоҳнинг «Аjoyиб ул-мақдур...» китобларига таанд. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири ҳам Темурнинг давлатини идора этиш усулларини қайта баҳолашдир.

Самарқанд Темур давлатининг пойтахти эди. У ўз пойтахтини дунёнинг энг олд шаҳрига айлантиришни истар эди. Бироқ жаҳонгир Самарқандда бўлмаган кезлар шўрлаб-йишан...

хаддида, Қуръон ўқувчилар, воизлар ва хатиблар, ади китобот ва ёзувчилар, зарғорлар, шатранж ўйновчилар, созадлар, нахшлар, хайкалтошлар, боғбонлар. Унинг энг янги қишлари орасида Сулаймон Шох, Қамарий, Сайфиддин, Аллоҳидин, Шох Малик ва Шайх Нуриддин бор эди. У юмлари зикр этилган қишлар билан муҳим масалалар юзасида маслаҳатлашар, юришлардан олдин режаларига ўларнинг фатвоасини олар эди. Темур, шунингдек, мукамал жоусул тизимини ҳам жорий этди. Унинг жоусулар салтанат ва бошқа хонликлар ҳудудига иш қўри...

хан тез-тез алаштириб турар эди. Амир Довуд, Хож Сайфиддин, Ок Буга, Темур Хожа турли шартларда маъзур лавозимда хизмат қилишган. Доруғанинг вазибасига умумий бошқаруви назорат қилиш билан бирга, қандайдир давлат ишлари бўлиб қолган девон(бегилик) ҳам қиар эди. Баъзи пайтларда икки нафар амир бирданга Самарқандчи бошқаришга тайинланган вақтлар ҳам бўлган. Пойтахтдаги ҳазинага мутасаддилик қилиш доруғанидан бошқа бир шахсинг қўлида бўлган. Шундай қилиб, Темур 1405 йилги қориқдан олдин Ардун Шохни Самарқанд доруғари этиб...

зобат этиш учун тайинланар эди. Хоким ва доруғаларга марказдан алоқаларни ҳокимият қоритиш учун маъзур топшириқ берилади. Темур ўзининг сўнгги ҳарбий қориқи арафасида барча шахзода, хоким ва доруғаларга қонун ва тартибни сақлаш тўғрисида нишон (Фармони олий) юборди. Сохибқироннинг доруғаларни тайинлагани эътибордан ҳам улар Андижон, Термиз, Сабазор, Таршиз, Абуруқ, Сарин, Яд, Қабул, Хамс, Хива, Табриз, Рой, Балх, Исфохон, Қирмон ва Қўрхон каби муҳим шаҳарларда фаолият қўрсатгани маълум бўлади. Баъзида доруғалар қисқа муддатта ҳам тайинланган. Умуман олганда, забт этилган юрт эгаси хоким, марказнинг вакили эса доруға, деб қоритилган. Салтанатга бож тўлаб тургани юртларга доруға марказдан юбориб турилган.

Мансура Хайдарнинг қайд этишича, Темур ҳазина тушумлари қўлгайган ва амир ва нўенлар қилидаги ўза юртларни забт этишда қўлга қиритилган ўлкалар тақсимида бошлаган, лашкарларни сонини шунга муносиб равишда оширишга қарор қилди. Санаб ўтилган лавозимлардан ташқари, шаҳар ноиб, мавза раиси, қорни ёки қишлоқ бошлиғи (девор) лавозимлари ҳам жорий этилган эди. Самарқандда сардари Чоғда бир неча қишлоқдан ўтган Чоғдавикро у ерларда атрофи бож билан ўрлан қалаларни қўрғанини ёзади. Хоким номидан иш қоритилган деворлар испан элчиларини ҳар қадамда озик-қат ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаб турган, бу уларнинг бурчи эдики, мавзо эгали соҳаси, қаттиқ ҳазонанин муҳимлиги қайд этилади.

Темур давлатининг маъмурий тузилмаси

Сайд ЖАМОЛИДДИН, 3. Хусайн номидаги Ислам тадқиқотлари институти директори, Деҳли.

танат пойтахти ҳам шу ерда бўлар эди. Темур ўз ҳаётининг асосий қисмини сафарларда ўтказди, қабул маросимлари эса ўз ўрдуи қочқиларида юштар эди. Бундай қабулларда иштирок этган Клавихо жаҳонқироннинг ҳарбий юришларида кенга ҳаёти ва тинимсиз фаолиятини, ҳудди мусабир Темур давлатини иктамий-сийсий ҳаёт мавзосини ёрқин бўликларида изидайд, тасвирлаб беради. Мана, у лашкарларни қўриқларида элчиларни қабул қиляпти, Фармони олий қабул қилмоқда, шахзодалар ва умуро иштирокчида машварат ўтказмоқда, ҳум қилмоқда, зийфат бермоқда ва оила аъзоларидан бирининг ниҳок тўйини нишонламоқда. Энг дабдалли қабул маросимларидан баъзилари Самарқандда ташқаридан Коники водийида ҳамда Темурнинг Шарқий Қавақдаги қишлоқ қоргоғини бўлими Қарабоз ўлоқларида ўтказилган эди. Бундай қабул маросимларини ўтказиш тартиби илгидан-илгисича пухта ишлаб чиқилган эди.

Ибн Арабшоҳ, ўз китобида марказий ҳукматдаги лавозимлар ва уларни эгаллаб турган кишилар рўйхатини ҳам келтиради. (Салтанат) Марказийдаги асосий идоралар ва мансаблар қуйидагилардан иборат: ади девон, мушйиб дарбор ва котиб асор, имоми жамоат, судури мамлакат, тарих ва соғнома ўқувчилар, табиблар, мунажжимлар, Самарқанд фаюхлари, муҳожирлар, му...

шар эди. Бундай лавозимга у Отламыш сингари фаюхлари, Масъуд Қахасоний каби фаюх ва дарвешлари, Бобур Борада Самарқандда ҳаши тумани ва вилоятлар бўлгандан хабар беради. Бугун мамлакат, Андижон Сирдан Бухоро, Кеш ва Қаршини қўшиб ҳисоблаганда Амуғача — бари-бари Самарқандга тегишли эди. Унга тенг келадиган энг катта вилоят Бухоро эди. Бухоронинг ўзи бир неча туманларга бўлинган эди. Кеш ёки Шахрисабз Самарқанднинг бошқа вилоятлари эди. Бундан ташқари, Насаф ёки Нахшаб ҳам деб аталуви Қарши ва Хозар каби вилоятлар ҳам бор эди. Самарқанд таркибига эса Суғд ва Шавдор каби туманлар қиар эди. Салтанатнинг вилоят, булук, мавза, қориа ва деҳ каби маъмурий бўлими бор эди. У улуслардан иборат бўлиб, амирзодаларга бўлиб берилган эди. Хокимликлар таркибига салтанатга бож тўлаб тургани хонликлар ҳам қиар эди. Уларни, Темурнинг розилиги билан, хонлар сулоласи бошқарар эди.

Салтанатнинг турли бўлиmlарини бирлаштириш мақсадида Темур одамларни хизматларига яраша салтанатдаги энг юқори лавозимларга қутарар эди. Доруғалик ва хокимлик энг юқори лавозимлар эди. Доруға вилоятларда қонун ижроси, тартиб, жамоат ишлари ва солиқлар йиғилишини на...

Инглизчадан ФАХРИЁР таржимаси.

ЎЗБАТ А.Ж. Ўзбек-Британ қўшма корхонаси «Би-Эй-Ти» Бритиш-Американ Табако компанияси гуруҳи аъзолари Иккинчи жаҳон урушининг барча ветеранларини буюқ галабанинг 51 йиллиги муносабати билан муборакбод этади. Шу айёмда биз Ўзбекистон халқлари билан биргалликда озодлик ва мустақиллик учун курашда жонини фидо қилган кишиларни эъзозлаб ёдга оламиз, ҳамон сафларимизда қадам ташлаб ёш авлодга ҳаётини ўрнатиб кўрсатаётган уруш қатнашчиларини шарафлаймиз. Биз, ҳурматли ветеранлар, Сизларнинг барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, узоқ умр, тинч, осуда ҳаёт тилаймиз.

ЎЗБЕКМАШСЕРВИС "ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади. - АТЗ-10К ёнилги қуйиш машинаси; - суперМАЗ - 54329-020 таягичи МАЗ-9330 ярим тиркамаси билан; - МАЗ-83781 тиркамаси. Ҳақ тўлаш шакли - сўмда пул ўтказиш, вексель йўли билан. Манзил: Тошкент, Кафанов-Нукус мавзеси, 3. Телефонлар: 54-99-19, 54-62-09. Факс: 54-88-11.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ - КОРХОНА, ТАШКИПОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА! Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш бирлашмаси телефон алоқаси хизмат ҳақиқини тўлашни ва дебиторлик қарзини узининг тизимини тўлатиш, Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган қонулар ва телефондан фойдаланиш қоидаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳамма абонентларга ўзининг мажбуриятлари тўғрисида ЭСЛАГАДИ - абонентлик тўловини амалдаги тарифлар бўйича ўз вақтида тўлаш; - шаҳарлараро ва халқаро сўзлашулар учун счётларни белгиланган муддатларда тўлаш; - хизмат кўрсатиш юзасидан Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бошқармаси билан шартномалар тузиш; - кўрсатиладиган телефон хизмати учун олдиндан ҳақ, аванс тўлаш; - мавжуд дебиторлик қарзларини узиш. Афсуски, ушбу тартиб қоидалар бажарилмаётгани сабабли шаҳар телефон тармоқларидан катта суғина дебиторлик қарзлари тўланиб қолди ва бу корхонани оғир молиявий шароитда қолдириб, тармоқни ривожлантириш ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, янги АТС тизимини жорий этиш имконини бермаётган. Ҳуриятли абонентлар! Телефонини ўчириб ёки ўзиб қўямаслигиниз учун хизмат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашингизни сўраймиз. Туловлар ҳамма телефон алоқисизлари, шунингдек, почта бўлиmlари ва халқ банки кассаларида қабул қилинади. Иложи борича тўрғай-жойингизда тўлашга ҳарақат қилинг. Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамовси Молия вазирлиги ходими Тўқтин Нигматовни Собирова отаси Нигмат Собиронинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Устелерадиокомпания жамоаси Моддий-техника таъминоти бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди Нўмонжон Раҳмоновга отаси йонкин ҳақон ўрдуини ятқинчи Даджонжон Виланий РАҲМОНОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади. «Умевасабавотуумсановат» республика уюмаси раҳбарияти ва жамоаси уюшаниннг соби маъсул ходими Нигмат СОБИРОВНИНГ вафот вафот этганини ту-файли марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси жамоаси 33-поликлиника бош шифокори Аҳрор АЗИЗОВНИНГ вафот вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ. БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ ҳўжалли 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туғли муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вахшёр-33-10-60. • МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев. Навбатчи — Ф. Юсупов.